

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 304-ҳадис

304 – عَنْ أَبِي مَسْعُودٍ الْأَنْصَارِيِّ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَهَى عَنْ ثَمَنِ الْكَلْبِ، وَمَهْرِ الْبَغِيِّ، وَخُلُوانِ الْكَاهِنِ.

[خ 2237، م 1567، ت 1133، س 4292، د 3428، ج 2159].

Абу Масъуд Ансорий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулулоқ соллаллоху алайҳи васаллам итнинг пули, бузуқнинг «маҳри» ва қоҳиннинг ширинкомасидан қайтардилар».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Изоҳ: Кўпчилик уламолар, жумладан, ҳанафий уламолар боқиш шаръан мумкин бўлган итнинг савдоси ҳам жоиз, деганлар. «Бузуқнинг маҳри» – зинокор аёлнинг зино эвазига олган пули. Бу ерда мажозан «маҳр» деб юритилган. «Ширинкома» деб таржима қилинган сўз матнда «хулваан» дейилган бўлиб, қоҳинлар оладиган пулни билдиради. Одатда улар ҳеч қандай меҳнатсиз, илмсиз, алодов йўли билан осонгина пул топгани учун шундай номланган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

